



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nokis qalasi, Dosnazarov koshesi 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«28» Июль 2021-y.

№ 01-03/02-3473 « »- 2021-j.

Қарақалпоғистон Республикаси
Прокуратурасы

Қарақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қарақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан 2021-йил 30 июньдаги 9/6-21-сон тақдимномасида туман (шаҳар) бўлими халқ таълими тизимидағи васийлик ва хомийлик органларида Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”ги“ Конуни ва соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси ахволи ўрганилди.

Қарақалпоғистон Республикаси прокуратураси тақдимномасида таълим муассасаларида бир қатор камчиликлар аниқланганлиги кўрсатилган эди.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва келгуси вақтларда бундай хато-камчиликларнинг олдини олиш мақсадида Қарақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири хузурида Қарақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси А.Қыпшиқбаев, вазирликнинг бўлим бошлиқлари, мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари, шаҳар ва туман халқ таълими бўлими мудирлари ва республика тасаррufидаги таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган мажилис ўtkazildi ва тегишли топшириқлар берилди.

Берилган топшириқлар асосида жойларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Барча туман(шаҳар) халқ таълими бўлими мудирларига соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлар асосида қабул қилинишини таъминлаш буйича чора-тадбирлар ишлаб ўз вақтида бажарилиши буйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 22.09.2014 йилдаги “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 02.08.2010 йилдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турад жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлиги томонидан 29.10.2010 йилда 2150-сон билан рўйхатдан ўtkazilgan “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турад-жой сотиб олиш учун мақсадли трансферлар, шу жумладан бюджет трансферларини бериш тартиби тўғрисида”ги Низом,




28.01.2011 йилда 2189-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Васийлик ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тураг жойларининг сақланиб қолинишини назорат килиш коидалари” ва бу борадаги бошқа қонун хужжатлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларида йўл қўйилган хато-камчиликлари учун Нукус шаҳар (Ж.Сапарова), Кегейли (Т.Жақсымуратов), Қораўзак (Р.Палуанов), Тўрткўл (А.Ерназаорва ва Г.Мамутова), Бўзатов (С.Ахназарова), Элликқалъя (Т.Исмайлова), Тахиатош (Г.Сапарбаева) туманлари халқ таълими бўлимларининг васийлик ва ҳомийлик бўйича мутахассисларига “Ҳайфсан” эълон қилинганлиги ва Амударё (С.Джаллаев), Кунғирот (Ш.Есмуратов), Нукус тумани (А.Қарлыбаев), Чимбой (А.Аллакбаев), Шуманай (Т.Утемуратов) туманлари халқ таълими бўлимларининг васийлик ва ҳомийлик бўйича мутахассислари қатъий огоҳлантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 2021 йил 30 июньдаги «Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида»ги №9/6-21-сонли тақдимномасида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

(Мажлис баённомаси ва чора тадбир режаси илова қилинади)

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ талими вазири


Р.Реимов

Ижрочи: А.Аймуратов

Тел: 0361-222-94-54

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Қорабалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири



Р.Реймов
2021 йил

Қорабалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири хузуридаги ишлаб
чиқариш мажлиси баёни № 7/2/1

“19” Июль 2021 йил

Нұкус шахри

Раислик қылувчи:

Р.Реймов - Қорабалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири

Қатнашганлар:

А.Қыпшықбаев - Қорабалпоғистон
Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

вазирликнинг бўлим бошликлари,
мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари, шаҳар
ва туман халқ таълими бўлими мудирлари ва
республика тасарруфидаги таълим
муассасалари раҳбарлари

КҮН ТАРТИБИ:

1. Қорабалпоғистон Республикаси Прокуратурасининг 2021 йил
30 июньдаги 9/6-21-сонли тақдимномаси түғрисида.

(Р.Реймов, А.Қыпшакбаев, Ш.Таджимуратов, Р.Танирбергенов, ААймуратов ва бошқалар)

Қорабалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан туман (шаҳар)
бўлими халқ таълими тизимидағи васийлик ва ҳомийлик органларида Ўзбекистон
Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик түғрисида”ги “Қонуни ва соҳага оид
қонун хужжатлари ижроси аҳволи ўрганилган.

Республика буйича жорий йилнинг олти ойи давомида “Васийлик ва ҳомийлик
органлари ҳисобида жами 552 нафар вояга етмаганлар ҳисобда турган бўлиб,
шундан 226 нафари васийлик ва 61 нафари ҳомийлик тайинланиб, 252 нафари
фарзандликка берилган, 8 нафари Мехрибонлик уйига ва 5 нафари Болалар уйига
жойлаштирилган.

Тизимда амалга оширилган ишлар билан бирга, “Васийлик ва ҳомийлик
түғрисида”ги Қонун талабарининг ижроси тўлиқ таъминланмасдан, мутасадди
идоралар билан самарали ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви йўлга
қўйилмаганлиги оқибатида етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум
бўлган болаларнинг хуқуклари лозим даражада химоя килинмаётганлиги
аниқланган.

Хусусан, васийлик ва ҳомийлик органларида иш юритиш ва хужжатлар билан
ишлаш түғрисидаги Йуриқнома талабларига Нұкус шаҳар, Тахиатош, Элликқалья,
Шуманай, Бўзатов, Кегейли, Қораўзак, Қўнғирот, Мўйноқ туманларида риоя

қилинмаган, яъни ҳужжатлар йигма жилди номенклатураси тузилмаган, худудий архив идораси билан келишилмаган, рўйхатга олиш дафтарлари тўлиқ юритилмаган.

Васийлик ва ҳомийлик органларида 2021 йил учун мўлжалланган иш режалари ишлаб чиқилиши ва унинг ижроси Тўрткўл, Тахтакўпир, Тахиатош, Мўйинқоқ, Кўнғирот, Кегейли ва Амударё туманларида бажарилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Масалан, Кўнғирот ва Тахиатош туманларида 2021 йил учун мўлжалланган иш режанинг 2 ва 3-бандида “Етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатда бола манфаатларидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш” деб белгиланган банди бўйича қилинган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлари йўқиги аниқланган.

Шунингдек, Тўрткўл тумани васийлик ва ҳомийлик органи томонидан жорий йил учун тасдиқланган иш режанинг “Васийлик ва ҳомийликка олинган болаларнинг тураг жойи ҳамда уларнинг яшashi, таълим тарбия олиш холларидан хабардар бўлиш ва далолатномалар тузиб бориш” деб кўрсатилган 5-бандига асосан туманда 154 нафар васийлик ва ҳомийликка олинган вояга етмаганларнинг 20 нафарининг яшаш шароити ўрганилган ҳолос.

Васий ва ҳомий тайинлашда судланганлик ҳолати текширилмаган ва иш жойидан иш ҳақи ҳақида маълумотлар Тўрткўлда 43, Элликқалъа 6 ва Бўзатовда 5 та ҳолатда олинмаган.

Масалан, Бўзатов туманида Чимбой туман ҳокимининг 17.08.2020 йилги 1248-сонли қарори фуқаро Г.Байжановани 2009 йилда тўғилган вояга етмаган С.Эшмуратовга нисбатан васий этиб тайинлашда фуқаро Г.Байжанованинг муқаддам судланганлик ҳолати тўғрисида Республика ИИВ Ахборот марказидан маълумотнома (талабнома) олинмаган.

Шунингдек, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари), фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш (ФХДЕ) органларининг мансабдор шахслари ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этмаганлиги натижасида Нукус шаҳрида 17, Конликўлда 27, Қораўзакда 8, Шўманайда 3, Кегейлида 10, Чимбойда 4, Элликқалъа 2, ва Бўзатовда 1, жами 72 нафар вояга етмаганларга васий ва ҳомийлар тайинланмаслик ёки кечиктирилиб тайинлаш ҳолатлар аниқланган.

Масалан, Элликқалъа тумани 17-сонли умумтаълим мактаб ўқувчиси 2011 йилда туғилган вояга етмаган Ш.Матсапаева ҳозирги кунда бобоси Б.Матсапаевнинг қарамоғида васийлик белгиланмасдан тарбияланиб келинмоқда.

Шунингдек, Чимбой туманида фуқаро Д.Турсинова 2004 йилда туғилган Т.Шамшетов ва 2015 йилда туғилган Д.Турсиноваларни фуқаро С.Утемуратованинг қарамоғига ташлаб, 2017 йилда Қозогистон Республикасига чиқиб кетиб, фарзандларининг тарбиясидан бугинги кунга қадар хабар олмаган, мазкур ҳолат бўйича туман васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ўз вақтида аниқлаш ва онаси Д.Турсиновани оналик хуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида судга даъво ариза киритиш чораси қўрилмаган ва туман ҳокимининг 17.02.2021 йилги 147-сонли қарори билан вояга етмаганларга 4 йилдан сўнг вақтинча ҳомий тайинланган.

Республикада 10 ёшга тўлиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни васийликка (ҳомийликка) беришда Кўнгиротда 2 нафар, Шўманай ва Нукус туманларида 1 нафар, жами 4 нафар болаларнинг розилиги олинмаган.

Масалан, Шўманай туман ҳокимининг 30.05.2020 йилги 386/5-сонли қарорига асосан 2009 йилда туғилган вояга етмаган А.Сарқытбаевни фуқаро С.Гайповага ҳомийликка беришда вояга етмаган А.Сарқытбаевни ҳамда Нукус тумани ҳокимининг 01.02.2021 йилги 108/2-сонли қарорига асосан 2010 йилда туғилган вояга етмаган А.Ибраимова фуқаро О.Ибраимовга васийликка беришда вояга етмаган А.Ибраимовани розилиги олинмаган.

Ота-она узрли сабабларга кўра ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун ўзининг вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозимлигига қарамасдан, Шўманайда 5 нафар ва Элликқаълада 2 нафар болаларни васийликка (ҳомийликка) беришда уларнинг розилиги нотариал тасдиқланган тартибда олинмаган.

Масалан, Элликқаъла туманида ҳокимининг қарорига асосан вояга етмаган 2013 йилда туғилган Ж.Даниевни фуқаро З.Джуманиязовага васийликка беришда унинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган.

Нукус туманида 5 нафар, Нукус шаҳар ва Кегайлида 4 нафар, Бўзатов туманида 2 нафардан васийликка (ҳомийликка) белгиланаётган шахснинг турар жойи, мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар тегишли идора ташкилотлардан олинмаган.

Масалан, Нукус шаҳар ҳокимининг 08.01.2021 йилги 07/01-06-сонли қарори билан вояга етмаган М.Джуманиязова, А.Джуманиязов ва Х.Джуманиязоваларни ота-онаси 2017 йилда ойлавий сабабларга кўра ажрашиб кетганлиги ва онаси Н.Шыныбекова 2018 йилда вафот этганлиги боис, Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро Б.Шыныбекова ва Я Джанибековалар васий ва ҳомий этиб тайинлашда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр Нукус шаҳар филиалидан отаси Д.Исаков, марҳума онаси Н.Шыныбекова ҳамда фарзандлари М.Джуманиязова, А.Джуманиязов ва Х.Джуманиязоваларнинг номида уй-жой ёки транспорт воситалари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар тегишли идора ташкилотлардан олинмаган.

Нукус шаҳри ва Кегайли туманида келиб тушган 2 та мурожаатда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати тўғрисида”ги қонуни талабларига риоя қилинмаган.

Жумладан, Кегайли туман халқ таълими бўлими томонидан туманда яшовчи фуқаро Н.Аvezovанинг 09.04.2021 йилда турар жой билан таъминлашда ёрдам беришни сўраб қилган мурожаатига мазкур қонунининг 27-моддаси талабига зид равишда жавоб хати юборилмаган.

Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро Ш.Бегжанованинг вояга етмаган 2013 йилда туғилган набираси К.Зайирбаевнани ўз васийлигига олиш бўйича 11.02.2021 йилда йўллаган мурожаатига ўрганиш кунига қадар ёзма равишда жавоб хати берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг 12.04.2013 йилги 124-сонли буйруғи талабига кўра, “Васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича мутахассислар учун алоҳида хона ажратилиши, иш масалалари бўйича мутахассислар учун алоҳида хона ажиратилиши, иш фаолиятини самарали олиб

боришлири учун компьютер, телефон ва мебель жиҳозлари ҳамда болаларни фарзандликка олиш масалаларини сир сақланиши таъминлаш максадида сейф билан таъминланиши шарт” деб белгиланган талаби Чимбой, Тўртқўл, Тахиатош, Бўзатов, Кегейли ва Нукус туманларида васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича мутахассисларга алоҳида хона, телефон олоқа воситаси ва мебель жиҳозлари билан таъминланмаган.

Қайд этилган қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқишига идоравий назорат тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ходимларнинг малакасини оширишга етарли эътибор қаратилмаганлиги, тизимнинг мутасадди раҳбарлари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашмаётганликлари сабаб бўлган.

Кун тартибидаги масалалар бўйича билдирилган фикр мулоҳазаларни инобатга олиб, мажлис

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпогистон Республикаси Прокуратурасининг 2021 йил 30 июньдаги 9/6-21-сонли тақдимномаси раҳбарликга олинсин ва ижроси таъминлансин.

2. Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов)га:

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда “Жисмоний ва юридик шаҳсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунлари ижросини аниқ ва бир хилда бажарилишини ташкил этилиши юзасидан чора-тадбирларини кўриш вазифаси юклатилсин.

3. Барча туман(шаҳар) халқ таълими бўлими мудирларига:

етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун маҳсус муассасаларга, оиласиб болалар уйларига, фарзандликка олган оиласаларга, васийлар ёки ҳомийларга юборишда, унинг яшаш жойи бўйича турар жойи мавжудлиги ва унинг болада сақлаб турилиши кафолатланиши таъминлаш мақсадида бу борада туман ва шаҳар ҳокимликларига асосланган туғри маълумот берилишини йўлга қўйилишини назоратга олишингизни;

жойларда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун беришда васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдириган шаҳслар ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ўрганиб чиқилишини ташкиллаштрилишини назоратга олишингизни;

мазкур тоифадаги болалар учун васийлик ёки ҳомийлик белгилаш зарурлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган кундан эътиборан белгиланган муддатларда васий ёки ҳомий тайинланишини назоратга олишингизни;

васийлик ва ҳомийлик органларига келиб тушган мурожаатларнинг ўз вақтида ва қонуний кўриб чиқилиши, шунингдек, қонунда белгиланган муддатларда жавоб берилишини тизимли ташкил этиш;

Республика худудида таълимнинг узлуксизлиги, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълимнинг мажбурийлиги ҳақида вояга етмаганлар ва ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, мажбурий таълимдан бош тортган ва четга кетган вояга етмаганларни аниқдаб, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар орқали ўқишига қайтариш чораларини кўриш ишларини жадаллаштириш вазифалари юклатилсин.


4. Ўзбекистон Республикасининг 22.09.2014 йилдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, Вазирлар Махкамасининг 02.08.2010 йилдаги 164-сонли қарори

билин тасдиқланган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураг жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлиги томонидан 29.10.2010 йилда 2150-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тураг-жой сотиб олиш учун мақсадли трансферлар, шу жумладан бюджет трансферларини бериш тартиби тўғрисида”ги Низом, 28.01.2011 йилда 2189-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Васийлик ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тураг жойларининг сакланиб қолинишини назорат килиш коидалари” ва бу борадаги бошқа қонун хужжатлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларида йўл қўйилган хато-камчиликлари учун Нукус шаҳар (Ж.Сапарова), Кегейли (Т.Жақсымуратов), Қораўзак (Р.Палуанов), Тўрткўл (А.Ерназаорва ва Г.Мамутова), Бўзатов (С.Ахназарова), Элликқалъа (Т.Исмайлов), Тахиатош (Г.Сапарбаева) туманлари халқ таълими бўлимларининг васийлик ва ҳомийлик бўйича мутахассисларига “Ҳайфсан” эълон қилинганлиги ва Амударё (С.Джаллаев), Қунғирот (Ш.Есмуратов), Нукус тумани (А.Қарлыбаев), Чимбой (А.Аллакбаев), Шуманай (Т.Утемуратов) туманлари халқ таълими бўлимларининг васийлик ва ҳомийлик бўйича мутахассислари қатъий огоҳлантирилганли маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ушбу мажлис баёни қарорининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштирган:

А.Аймуратов



«Тактика»

Қоракалпогистон Республикаси
Халқ таълими вазири
Р. Рахимов

2021 年三

Коракалпогистон Республикасы прокуратурасынын 2021 жыл 30 июньдаги «Қонун бузилиши, үннин көли чиңкын сабојлари бауна имконияттарын бергенде» №9/6-21-сонлиқ актимномасыда күрсатыб ўтилган камчиликтарни бартарап этиш түгристердиң №9/6-21-сонлиқ актимномасыда күрсатыб ўтилган камчиликтарни бартарап этиш бүйича Коракалпогистон Республикасы Халк таълими вазирлителдининг чораладабирлар режаси

№	Анкеттадан камчиликлар	Амалга ошириши муддати	Масъуллар	
			Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Тўрткўл тумани, Тахтакўпир тумани, Тахиагаш тумани, Мўйнок тумани, Кўнгирот тумани, Амударё тумани халқ таълими бўлими мудирлари	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Тўрткўл тумани, Элликкала гумани ва Бозатов туманинда халқ таълими бўлими мудирлари
1	Васийлик ва хомийлик органларида 2021 йил учун мўлжалланган иш режалари ишлаб чиқилиши ва унинг ижроси Тўрткўл, Тахтакўпир, Тахиатош, Мўйнок, Кўнгирот, ва Амударё туманларида тузилган иш режасининг бандлари тўлиқ ўринланмаган.	2021 йил июль	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Тўрткўл тумани, Мўйнок тумани, Кўнгирот тумани, Амударё тумани халқ таълими бўлими мудирлари	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Тўрткўл тумани, Элликкала гумани ва Бозатов туманинда халқ таълими бўлими мудирлари
2	Васий ва хомий тайинлашда судланғанлик ва судланбаганлик холати текширилмаган ва иш жойидан иш хақи ҳакида маълумотлар Тўрткўл туманида 43, Элликкала туманида 6, ва Бозатов туманида 5 та холатда фуқоралардан судланғанлик ва судланбаганлик холати олинмаган.	Бир ой муддат	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Конлкўл тумани, Нукус шаҳри, Кораўзак тумани, Кегейли тумани, Чимбой тумани, Шуманай тумани, Элликкала тумани ва Бозатов тумани халқ таълими бўлими мудирлари	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Конлкўл тумани, Нукус шаҳри, Кораўзак тумани, Кегейли тумани, Чимбой тумани, Шуманай тумани, Элликкала тумани ва Бозатов тумани халқ таълими бўлими мудирлари
3	Шунунгдек, таълим муассасалари, фуқораларнинг ўзини ўзи болшкариш органлари раислари (оксоқоллари), ФХДЁ органларининг мансабдор шахслари ота-онасининг қаровисиз колган болалар түгрисидаги маълумотларни ўз вактида васийлик ва хомийлик органларига тақдим этмаслиги натижасида Конлкўл туманида 27 нафар, Нукус шаҳрида 17 нафар, Кораўзак туманида 8 нафар, Кегейли туманида 10 нафар, Чимбой туманида 4 нафар, Шуманай туманида 3 нафар, Элликкала туманида 2 нафар, Бозатов туманида 1 нафар вояга етмаганларга васий ва хомий тайинланмаган.	2021 йил августь-сентябрь ойларида	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Конлкўл тумани, Нукус шаҳри, Кораўзак тумани, Кегейли тумани, Чимбой тумани, Шуманай тумани, Элликкала тумани ва Бозатов тумани халқ таълими бўлими мудирлари	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Конлкўл тумани, Нукус шаҳри, Кораўзак тумани, Кегейли тумани, Чимбой тумани, Шуманай тумани, Элликкала тумани ва Бозатов тумани халқ таълими бўлими мудирлари
4	Республикада 10 ёшга тўлиб, ота-она карамонидан маҳрум бўлган болаларни васийликка ёки хомийликка беришида Кунгирот туманида 2 нафар, Шуманай тумани ва Нукус туманларида 1 нафар болаларнинг васийликка ва хомийликка беришида вояга етмаганнинг розилиги олинмаган.	Иккита хафта муддат	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Кунгирот тумани, Шуманай тумани ва Нукус туманинда халқ таълими бўлими мудирлари	Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХвакКЦ (А.Аймуратов), Кунгирот тумани, Шуманай тумани ва Нукус туманинда халқ таълими бўлими мудирлари

<p>5</p> <p>Ота-она узрли сабабларга кўра ўзларнинг ота-оналил мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун ўзининг вояга етмаган болаларига васий ёки хомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозимлигига карамастан, Шуманай туманида 5 нафар, Элликкалья тумани етмаганларни вояга етмаганликка беришда унинг розилиги нотариал тасдиқланган тартибда олинмаган.</p>	<p>Бир хафта муддат</p>	<p>Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХваҚҚЦ (А.Аймуратов), Шуманай тумани, Элликкалья тумани халқ таълимий мудирлари</p>
<p>6</p> <p>Васийликка ва хомийликка берилган вояга етмаганларнинг ота-оналиридан колган турар жойи, мол-мулки туғрисидаги маълумотлар Нукус туманида 5 нафар, Нукус шахри ва Кегейли туманларида 4 нафар вояга етмаганларнинг ота-оналиридан колган турар жойи, мол-мулки туғрисидаги маълумотлар тегишли идора ташкилотлардан олинмаган.</p>	<p>Бир хафта муддат</p>	<p>Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХваҚҚЦ (А.Аймуратов), Нукус шахри ва Кегейли тумани халқ таълимий мудирлари</p>
<p>7</p> <p>Нукус шахри ва Кегейли туманида келиб тушган 2 та мурожаатда Ўзбекiston Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожат тўғрисида”ги конуни талаблари бўзилган.</p>	<p>Бир хафта муддат</p>	<p>Вазир ўринбосари (Ш.Таджимуратов), БИХваҚҚЦ (А.Аймуратов), Нукус шахри ва Кегейли тумани халқ таълимий мудирлари</p>

Ижрочи: А.Аймуратов
Тел. 222-94-54